

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 61 (10.114)

2004 ЙИЛ 31 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

Олий ўқув юртли фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга доир замонавий талабларга мувофиқ қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори ва малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тuzилсин.

2. Махсус комиссия ўз ишларида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқсин:

Биринчидан, республикада тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар комплекси сифатида қишлоқ хўжалигида ерларнинг, энг аввало, сугорилидаган ерларнинг унумдорлигини сақлашдан тортиб маҳсулотларни етиштириш ва даслабки қайта ишлаш, сақлаш ва сотишгача бўлган ўзаро боғлиқлик ва яхлитлик йўқотилган, бу борада уларни жаҳон ютуқлари даражасида қишлоқ хўжалиги эканларини ўстиришнинг замонавий технологиялари ва усуллари га йўналтириш айниқса муҳимдир;

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

● **КЕЧА** Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида ташки сийсат ва дипломатия кафедраси фаолиятини қайта кўриш иши гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетида Наврўз айёмига бағишланган стол тенниси, шахмат, шашка, тош кўтариш бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида ўтказилган йиғилишида иштирок этган спорт соҳаси мутасаддилари ҳамда спортчилар терроризмга

қарши курашда барчани хушёрликка, ҳамжихатликка даъват этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтига ҳуқуқшунослар, табиати муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир экэлогик ҳуқуқни такомиллаштириш масаласига бағишланди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги 99-мактабда мазкур илм даргоҳини бундан 30 йил аввал битириб мустақил ҳаётга қадам қўйган синфдошларнинг устозлари иштирокида учрашуви уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тинчлик—энг улуг неъмат

ҲАМИША ОГОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

2004 йил 30 март куни эрталаб соат 7 дан 20 дақиқа ўтганда Тошкент вилояти Қибрай тумани «Умид» ширкат хўжалиги «Бойжигит» маҳалласида (Қорамурт кўчаси, 1-«А» уй, 20-хонадон) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қуролланган жангарилар гуруҳи аниқланди. Қўлга олиш жараёнида 20 кишидан иборат террорчилар қўлбола портловчи мосламалар ёрдамида ўзини ўзи портлатиб юборди.

Портлаш чоғида 3 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 5 нафар милиционер турли даражада жароҳатланди. Мазкур террорчилик ҳаракати юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ШАҲРИМИЗДА содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги шум хабар мени ҳам ларзага солди. Кечаси билан ухломмадим.

1999 йил 16 февралдаги портлашлар ҳали ҳам юрагимни эзди, тилка-пора қилади. Ушанда ўғлим Жамшиддан айрилдим. Боласининг «Ойжон, менинг адам қанилар?» деган саволига ҳали ҳам жавоб топа олмайман.

Ўзбекининг фарзанди азалдан мард бўлиб дунёга келган. Лекин, бу разолатчиларни инсон деб ҳам бўлмайди.

Бундай жиноятларни содир этганларни Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам кечирмайди, албатта. Чунки, улар ўз динига, эътиқодига қарши иш қилдилар.

Мухтарам Юртбошимизнинг телевидение орқали берган махсус интервьюларида қанчалик куюниб гапирганларини кўриб, яна ҳам ҳаяжонланиб кетдим. «Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ иш билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди», деган сўзлари ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

Келинг, юртдошлар, ҳар кунни, ҳар соғия, ҳар дақиқа ҳар биримиз сезгир, огоҳ ва хушёр бўлайлик!

Гулҳеҳра ҲАБИЛОВА,
1999 йил 16 февралда
ҳалок бўлган
Жамшид Ҳабиловнинг онаси

КЎПЛАБ беғуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлган қабиҳ террорчилик ҳаракатлари барча юртдошларимиз қатори менинг ҳам қалбимни ўртади. Ахир эзгулик ва кадриятларимиз тимсоли бўлган кутлуг Наврўз кунлари шундай ёвузликни амалга ошириш, беғуноҳ кишиларнинг қонларини тўкишдан ортқ гуноҳ бормикин дунёда.

Тинчлик — энг улуг неъматдир. Шундай экан, мана шу тинчлик, осойишталигимизни кўз қорачигидек асрашимиз, ёвуз ниятли кишилардан ҳимоя қилишимиз керак. Зеро, маҳалла — катта куч. Турар жойларимизда хушёр ва огоҳ бўлишимиз, лоқайдликка берилмай, Юртбошимиз даъватларига қўлоқ тутишимиз керак. Маҳалла-кўй, кўни-кўшниллар билан ҳамжихатликда она юртимизни ёвуз тажовузлардан асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Зоҳида
САИДКАРИМОВА,
Собир Раҳимов
туманидаги
«Иброҳим ота»
маҳалласи
хотин-қизлар
комиссиясининг
раисаси

ТЕРРОРЧИ газдаларнинг қилмишларини кескин қоралайман. Тинч-осойишта яшаётган аҳолининг юрагига ваҳима ва гулгула солган, жондан азиз болажонларни етим қолдирган бу ваҳийлар қабиҳ ишларига яраша ўз жазоларини оладилар.

Мана шундай пайтларда бирлашимиз, бир жону, бир тан бўлиб тинчлигимизни асрашимиз керак. Манфур террорчилар ҳеч қачон ўз ёвуз ниятларига етолмайдилар.

Ойбек УМАРОВ,
Тошкент автомобиль йўллари институти
«Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси

XXI сағоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оксаройда Литва Республикасининг собиқ Президенти Валдас Адамкусни қабул қилди.** Учрашув давомида Ўзбекистон — Литва муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Музокара якунида Юртбошимиз меҳмонга «Буюк хизматлари учун» орденини топишди.

● **Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов билан телефон орқали мулоқотда бўлди.** Россия ва Тожикистон давлатлари раҳбарлари мулоқот давомида террорчилик ҳаракатлари натижада ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор этишди.

● **Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлиери Герхард Шрёдер мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва унда беғуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ҳамдардлик мактуби йўллади.**

● **АҚШнинг Ўзбекистондаги Факуллодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнелл Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, бу ерда АҚШ ҳукумати томонидан таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.**

● **«Анджонёғмой» акциядорлик жамияти «Меҳр ва муруват йили» дастури асосида вилоят шифохонасининг туғруқхона мажмуасини энг сўнгги талабаларга жавоб берадиган даражада капитал таъмирлаб берди.**



Жаҳонда

● **Ироқ Вақтинчалик бошқарув кенгашининг Жамоатчилик ишлари бўйича вазир Мисрин Бурварийга суиқасд уюштирилди.** Суиқасд натижасида вазир ҳеч қандай жароҳат олмаган бўлсада, бироқ уч нафар тан кўриқчиси ҳаётдан кўз юмди.

● **Америка Космик агентлиги томонидан яратилган X-43 А номери товушдан тез учувчи ҳаво кемаси синовдан муваффақиятли ўтди.** У соатига 8 минг километр тезликда йўл босиш имкониятига эга.

● **Маълумки, Косовода оммавий тартибсизликлар рўй бераётганлиги сабабли бу ерга Халқаро полиция қўчлари киритилган эди.** Чунончи мазкур Халқаро полиция ходимлари Косовода ўтган ҳафтада рўй берган тартибсизликларда қатнашганликда гумон билан 200 нафар кишини қўлга олишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

иккинчидан, Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон бозорига меҳнат тақсимотининг тўла ҳуқуқли субъектларидан бири бўлиб қолаётганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ихтисослаштириш масаласи ҳал этилиши зарур бўлган ғоят муҳим муаммолардан биридир. Энг аввало, етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда республиканинг жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муносиб ўрин эгаллаши зарурлиги устувор вазифа ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан жойлашгани, унинг табиий-иктисодий хусусиятлари, ерлар унумдорлигининг ҳолати ғоят муҳимдир. Сув ресурслари билан таъминлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бизнинг шароитларимиз учун энг муҳим ва ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади;

учинчидан, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, биринчи навбатда, ерлар унумдорлигини таъминлаш, селекция, уручилик, илгор технология ва агротехникани жорий этган ҳолда экинларни ўстириш билан боғлиқ масалалар билан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги бир нечта олий ўқув юрлари, шу жумладан Тошкент Давлат аграр университети ва унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари шугулланмоқда. Вазифалар комплексини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш билан мамлакатнинг ихтисослашган қишлоқ хўжалиги олий ўқув юрлари шугулланиши лозимлиги қонуний ҳолдир;

тўртинчидан, маҳсулотларнинг 95 фоиздан кўпроги суғориладиган ерлардан олинган Ўзбекистон шароитлари учун ҳамда экология ва ерларнинг ҳолати ёмонлашиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда илмий изланишларни ва амалий тадқиқотларни чуқурлаштириш ва шу асосда, биринчи навбатда, ирригация ва ерларни мелиорациялаш каби ихтисослашган ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш катта аҳамият касб этади, бунда қишлоқ хўжалигининг келажаги кўп жиҳатдан ушбу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқлиги назарда тутилиши керак. Уларга қуйидагилар кирали:

а) сув ресурсларининг тақчиллиги тобора ортиб бораётган, давлатлараро сув оқимларини бошқаришда муаммолар мавжуд бўлган шароитларда сув хўжалиги асосий фондларининг замонавийлаштирилиши;

б) ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув оқимларини тўплаш ва тартибга солиш, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланишини баргараф этиш, гидротехника иншоотларининг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, сувни тақсимлаш, унинг сарфланишини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этилиши;

в) сув ресурслари чекланган шароитда фермер хўжаликлари сонининг жadal ўсиши сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни талаб қилиши;

г) республикада фойдаланиш учун илмий ва инновацион ёндашувни ҳамда уларни замонавийлаштириш учун юқори малакали кадрларни талаб қиладиган кўпгаб гидротехника иншоотлари, сув омборлари, суғориш ва дренаж муҳандислик тизимларига эга бўлган мураккаб ва кудратли ирригация тизимларининг фаолият кўрсатиши;

д) ерларнинг қониқарсиз мелиоратив ҳолатининг, коллекторлар, мавжуд ёпиқ ва вертикал дренаж тармоқлари техник ҳолатининг суғориладиган ерлар унумдорлигига салбий таъсирининг олдини олиш зарурияти.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти негизда Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Махсус комиссия 2004 йил 1 июнча бўлган муддатда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Тошкент ирригация ва мелиорация институтига айлантириш чора-тадбирлари комплексини амалга оширсин. Мазкур ишни амалга оширишда:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг мутахассислар тайёрлашда тутган ўрни ва ролига, уларнинг қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқлари - мелиорация ва сув хўжалигидаги фаолиятга ҳолисона баҳо берилсин;

институтдаги таълим йўналишлари ва кадрлар тайёрлашнинг ихтисослашуви ўрганилсин, уларнинг ирригация ва мелиорация соҳасидagi замонавий талабларга ва долзарб вазифаларга нечоғлик мувофиқлиги таҳлил қилинсин;

ушбу қарорнинг 2-бандида баён қилинган асосий йўналишлари ва вазифаларига

жавоб берадиган институтнинг факультетлар йўналиши ва ўқув базасининг мазмунини, кафедраларнинг ихтисослашувини белгилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилсин;

институтнинг илмий изланишлари ва амалий тадқиқотларини қуйидаги устувор йўналишларга - сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишни мақбуллаштириш ва уларни тежашга, туپроқ унумдорлигини ошириш учун ерларни суғоришнинг илгор методларини ишлаб чиқишга ва кенг қўлланишга, гидротехника иншоотларининг ишончилигини ва фойдаланиш учун хавфсизлигини таъминлашга қаратини чора-тадбирлари амалга оширилсин.

4. Махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Тошкент Давлат аграр университети, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари тузилмасини ва ўқув-моддий ҳамда методик базаси йўналишини, шунингдек уларга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидан тегишли мутахассислар олиб берилишини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган кадрлар мутахассислари ихтисослашувини қайта кўриб чиқинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда, тегишли ихтисосдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, 2004/2005 ўқув йили ва кейинги ўқув йиллари учун Тошкент ирригация ва мелиорация институтига қабул қилиш квоталари бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

Тошкент ирригация ва мелиорация институти билан биргаликда 2004/2005 ўқув йили бошлангунча республика таълим стандартларига мувофиқ Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 30 март.

Тошкент Ислам университетида Франция дипломати ва стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда Марказий Осиёда диний бағрикенглик мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Тошкент Ислам университети ректори Ҳ.Хусниддинов анжумани очар экан, юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динлар ва миллатлараро тинчлик-тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мазкур тадбир шу йил 15 март кuni Парижда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбекистон ва Францияда диний бағрикенглик» мавзусидаги конференциянинг мантиқий давоми эканига эътибор қаратилди. Унда воқеалар жадвал ривожла-

ниб бораётган ҳозирги дунёда ижтимоий-сиёсий, маънавий ва диний жабҳаларда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирига нисбатан бағрикенглик, ҳамжиҳатлик билан тинч ва осуда яшаш ҳақиқат барқарорлигининг муҳим омилларидан экани таъкидланди.

Тошкентдаги халқаро анжуманда эса Ўзбекистонда шаклланган динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, халқимиз, хусусан, ёшлар оғнига ўзининг салбий таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган дин ниқобидаги турли оқимлар ва

уларга қарши курашиш йўллари хусусида сўз борди.

Дин аҳлига берилган эркинликлардан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринувчилар ҳам йўқ эмас. 28-29 март кунлари пойтахтимиз ҳамда Бухоро вилоятида юз берган ташвишли воқеалар бунга яна бир мисол. Шу муносабат билан Президент Ислам Каримов Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида бундай ёвуз ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаётини, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қорға, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилганини

алоҳида қайд этди.

Бундан кўзланган мақсад эса эл-юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни издан чиқариш, одамлар юрагига гулгула, ваҳима солиш, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга бўлган ишончни сўндириш, эзгу ният ва амалий ишларга тўсиқ бўлишдан иборатдир. Лекин улар ҳеч қачон бу қабиҳ ниятига эришолмайд.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг бу борадаги фикрлари билан ақдид эканликларини билдирдилар. Турли бузғунчи оқимларнинг, экстремизм ва ақидонарастлиқнинг кирдиркорларини фoш этиш ҳамда уларга кескин зарба беришда юртимизнинг ҳар бир фуқароси масъул экани таъкидланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Иқтисодий

СУВ ТОЗАЛАШ МОСЛАМАЛАРИ

Сув — бу ҳаёт манбаи. Мана шу оби-ҳаётсиз турмушимизни тасаввур эта олмаймиз. Шу боисдан ҳам унинг тозалиги инсон саломатлигини таъминлашда улка аҳамиятга эга.

Пойтахтимиздаги «AKVATEX» масъулияти чекланган жамиятида ана шундай инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга таъсир этувчи зарарни камайтирувчи сув тозалаш мосламалари ишлаб чиқарилади. Бугунга келиб корхона мутахассислари тайёрлаётган маҳсулот тури 40 тадан ортиб кетди. Барча турдаги сув тозалаш мосламаларининг сифат сертификатлари бор.

Шу ўринда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тақдимотлари Германия, Франция, Бельгия ҳамда Голландия давлатларида ўтказилгани, уларнинг сифати ва технологияси юқори баҳоланиб, Европанинг «Арка» — «Archof Europe» ташкилотининг юксак халқаро мукофотига сазовор бўлганлигини айтиб ўтиш лозим. Агарда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилда жамoa тадбиркорлари 76 миллион сўмликдан зиёд сув тозалаш мосламалари тайёрлашга эришиб, 18 миллион сўмликдан зиёд соф фойда кўрди. Айниқса, ABN AMRO банк, «Паллада Восток», «Соғлом авлод учун» жамгармаси, «AQWAMIN Smeda», «Ўзкоммуниссиқтаъмир» ҳиссадорлик жамияти буюртмалари тез ва соз бажарилишига мўъафак бўлинди.

Мавданили сувларни қадоклашда, ётоқхона, коттеж, ресторон, сузиш хавзалари ва фаворалардаги сувларни тозалашда «AKVATEX» да тайёрланаётган сув фильтрлари катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам корхонада маҳсулотнинг рақобатбардош, қулай ва зарур турларини яратиш устида изланишлар давом этмоқда.

7000 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ

Шаҳримиздаги «Совпластитал» қўшма корхонасининг тадбиркорлари тайёрлаётган маҳсулот турлари 7 мингдан ҳам ортиб кетди. Бунинг асосий боиси жамoa аҳлининг бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда харидор учун ишлаётганидир.

Италия, Германия, Япония ҳамда Жанубий Корея технологиялари асосида иш юритаётган тадбиркорлар сопол, чинни, пластмасса ҳамда полиэтилен маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимизда, балки жаҳоннинг 30 дан зиёд давлатида танилган, ўз харидорларига эга.

Ўтган йилдан бошлаб корхонада маҳаллий хом ашё ҳисобига рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу хом ашёни Шўртан газ кимё мажмуаси жамoаси етказиб бермоқда. Айниқса, корхонада ишлаб чиқарилаётган бир марта ишлатиладиган идишларнинг ўз буюртмачилари бор. Шунингдек, Наврўз байрамига атаб тайёрланган ранг-баранг гуллар, эсдалик совғаларни чиройи ва бежиримлиги билан харидорларни мамнун этмоқда. Корхонанинг пойтахтимизда ҳамда вилоятларда фаолият кўрсатаётган фирма дўконлари харидорларга қулайлик яратмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Қаровсиз қолган қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам бериш, айниқса қалби ўксикдилларни хушнуд этиш халқимизнинг энг савобли амалларида. Мана бугун эрта тонгдан шаҳримиздаги 31-меҳри-

лик билан ишлаш бўлими мутахассиси Озода Мусахонова. — Биз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими

телевизорни тақдим этиб, ҳар бир тарбияланувчининг аҳволини сўраб-суриштирдилар. Меҳрибонлик уйининг бутун жамоаси ўзларини йўқлаб келишган кишиларга миннатдорчилик сўзларини айтишди.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

САХОВАТЛИ ҚАЛБЛАР

Ўзбек халқи азалдан саховатли, меҳр-мурувватли. Агар бир хонадонда бир кун тансиқ таом тайёрланган бўлса, албатта уша овқатдан кўни-қўшилар ҳам баҳраманд бўлишган. Бугунги кунда ҳам бу анъана давом этмоқда. Маълумки, жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамюртларимиз орасида кўплаб саховатли ишлар амалга оширилмоқдаки, албатта буни таъкидлаб ўтиш

бонлик уйи ҳовлисига совғалар юкланган машина келиб тўхтади...

Асосан инновацион лойиҳаларни инвестициялаш ҳамда республикамиз ҳудудида турли хилда фаолият юритаётган корхоналарга молиявий лизинг орқали ёрдам бериш билан шугулланувчи «Замин-инвест» компанияси томонидан келтирилган учта совутгич, битта компьютер болалар уйи тарбияланувчилари учун қутилмаган совға бўлди десак янглишмаймиз.

— Компаниямиз бу йилдан бошлаб ота-она меҳридан жудо бўлган болаларга меҳр-мурувват ёрдамини кўрсатиш мақсадида ўз акцияларини бошлади, — дейди «Замин-инвест» компаниясининг жамоатчи-

Кенгаши билан ҳамкорликда шахримиздаги меҳрибонлик уйлари-нинг моддий аҳволини мониторинг қилганимизда Юнусобод туманида жойлашган 31-ҳамда 21-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ёрдам кўрсатишни ўз олдимизга мақсад қилдик. Бу борада бизга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши вакиллари яқиндан ёрдам беришди.

31-меҳрибонлик уйига совғалар топшириб бўлингач, 21-меҳрибонлик уйига йўл олдик. Меҳрибонлик уйи директори Абдумалик Рўзиқулов саховатпеша инсонларни очиқ юз билан қарши олди. Компания ходимлари ўзлари келтирган 7 та

хурсандчилигини билса бўлади, — дейди жумладан 21-меҳрибонлик уйи директори Абдумалик ака. — Бу болаларни қалби ўксик, бирон нарсага муҳтож дейиш асло нотўғри. Чунки бу ерда тарбияланувчи ўғил-қизларнинг барчаси бизнинг фарзандларимиздир. Улар эртанги кунимиз яратувчилари.

Ёшлигидан меҳр кўриб улғайган бола қалбида ҳеч қачон ёмон иллатларга ўрин қолмайди. Юртдошларимиз орасида мана шундай саховатпеша инсонлар кўпаяр экан, ишонимизки, келгусида уларнинг бу эътибори ва ғамхўрликларига минг чандон зиёд жавоб қайтади.

Орзугул
РУСТАМОВА

Хайжигларни қайғилаганда

ФАРЗАНДЛАРИМИЗДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Кадрдоним «Тошкент оқшоми»-ни тинмай ўқиб бораман. Яқинда газетда эълон қилинган материаллардан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига бағишланганлари мени кўп хурсанд қилди. Кўлимга қалам тутқазди.

Газетанинг ўша сониди айна муддаодаги долларб муаммолар кўтарилган. Чиндан ҳам жамиятимиздаги муҳим масалалардан бири — ёш авлод тарбияси бўлиб, бу гоат чуқур мақсадларни ўз ичига олади. Бу борада Юртбошимиз: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган маънодор сўзлари билан мақсадни яққол ифодалаб бердиларки, бу қимматли тилаклар ёш авлодимизнинг кўнгилларини кўтариб юбориши, уларда куч-ғайрат, ташаббус уйғотиши турган гап.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида фарзандларимизнинг тўғри камол топишига кенг йўл очилаётганини кўриб турибмиз. Чиндан ҳам жамиятимиз ўғил-қизларимизни моддий томондангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам яхши таъминланишига эътиборни ошириб бораётгани эл-юртимизни қувонтирмоқда. Демакки, эндиликда ёшларга ҳар соҳада билимларини кенгайтириш, касб-корларни эгаллашлари учун йўллар баралла очиқ қўйилди.

Ниҳоят, мен фарзандларимизга қарата шу сўзларни айтгим келади: азиз бола-жонларимиз, сизларга эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Давлатимиздан бошлаб бутун халқ сизларнинг тақдирингизни ўйлаётти. Сизларга катта умид-ишонч кўзи билан қараяпти. Шу ишончга лойиқ иш тутишлик сизларнинг ҳақиқий фарзандлик бурчингиз!

Сўзимни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг куйидаги самимий юрак сўзлари билан тугатмоқчиман: «Ватанимизнинг Сиз — навқирон авлод вакилларида умиди чексизлигини ҳеч қачон унутманг, кам бўлманг, бахту иқбол сизга ёр бўлсин! Буюк болаларимизга муносиб ворис ва Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш йўлида ақлий, жисмоний ва руҳий камолотнинг олтин пиллапояларидан тобора юксалиб, энг олий мурод-мақсад манзилларига етиш барчангизга муяссар бўлсин!»

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

«Камолот»

ЮНУСОБОД

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими томонидан шу туманда жойлашган ўрта махсус касб-хунар билим юрти сардорлари учун семинарлар ўтказилмоқда. Семинарлар давомида сардорлар учун тайёрланган дастурлар, ишни қандай ташкиллаштириш тўғрисида тушунтиришлар олиб борилмоқда, «Бу менинг соҳам» мавзусида буклетлар тайёрлаб тарқатилмоқда.

Туманда жойлашган 21, 31-меҳрибонлик уйларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими томонидан бошлангич ташкилотлар ташкил этилмоқда. Ушбу мақсад юзасидан ўтказилган тадбирларда сардорлар кенгаши томонидан турли хил семинарлар, муסיкий чиқишлар ташкил этилди.

СЕРГЕЛИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими ташаббуси билан яқинда туман ҳокимиятига энг фаол «Камолот» ва «Камалак» сардорларининг оналари умрбоқий Наврўз байрами муносабати билан тақлиф қилиниб, улар учун байрам дастури ўтказилди. Бу тадбирда «Камолот» фаоллари билан учрашувлар ва уларнинг фаолияти тўғрисида таништирув ҳам бўлиб ўтди.

Собир РАҲИМОВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов туман бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Соғлом авлод камолоти» деб номланган дастур бўйича шу туманнинг барча коллежлари ўқувчилари ўртасида сузиш бўйича мусобақа ўтказилди. Ушбу мусобақа «Булок» сув хавзасида бўлиб ўтди. Мусобақа сўнггида голиблар Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Меҳр ва мурувват йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан туман бўлими томонидан 24-меҳрибонлик ва ногиронлар уйида «Меҳржон» тадбири ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бу тадбирда болаларнинг театрда, ҳайвонот боғига сайр қилиши кўзда тутилмоқда, бундан ташқари байрам дастурлари ташкил этилади, уларга турли хил совғалар улашилади.

Саида
МАМАТИСАКОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими

“Cinema Market”

Болливуд маҳсулотларини намойиш этади

Дехлида Ўзбекистоннинг «Cinema Market» компанияси ва Хиндистоннинг «Egos multimedia» компанияси ўртасида хинд кинофильмлари Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонга олиб келиш, намойиш қилиш ва сотиш ҳуқуқини берадиган меморандум имзоланди. Ўзбекистонда хинд кинофильмлари севиб томоша қилинади. Шу маънода «Cinema Market» компаниясининг ўзбек киномухлисларини энг сўнгги хинд фильмлари билан таништириб беришдаги саъй-ҳаракатлари эътиборга лойиқдир. 1999 йил ўз фаолиятини нусха кўпайтирувчи аудио-фабрика сифатида бошлаган компания ходимлари бугунги кунда фильмларни хинд тилидан ўзбек тилига таржима қилишни ҳам ўзлаштиришди. Компания ўтган йил октябрь ойида Дехлидаги 34-халқаро кинофестиваль доирасида бўлиб ўтган «Фильмлар бозори» кўргазмасида иштирок этиб, янги хинд киноасарларини Ўзбекистонга олиб киришни ҳам йўлга қўйди.

— Компаниямиз ихтиёрида 800 ўринлик кинотеатр ва дубляж студияси мавжуд, — деди «Cinema Market» директори А.Умаров «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбат чоғида. — Пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасида жойлашган кинотеатримиз биноси ҳозирги кунда таъмирланиб, замонавий талабаларга жавоб берадиган жиҳозлар ва курилмалар ўрнатилмоқда. Мазкур бинода турли кинофестиваль, анжуман ва концерт дастурларини ўтказиш имконияти ҳам яратилапти. Ниятимиз Хиндистонда ўзбек киноси ва Ўзбекистонда хинд киноси фестивалларини ташкил қилишдир. Шунингдек, «Cinema Market» вакиллари «Madhu Entertainment» фирмаси билан ҳам яқин ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйди. Бунинг самараси ўлароқ Болливуд киноленталари билан бир қаторда юртдошларимизга хинд телесериалларини тақдим этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА,
Дехли.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде «Техносфера, инсон ва микроэлементлар» мавзусида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ТЕХНОСФЕРА, ИНСОН ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР

Ушбу анжуманда «Микроэлементлар концентратларини ҳосил қилиш учун курилмалар ва технологияларни яратиш», «Тиббиётда микроэлементлардан фойдаланиш», «Қишлоқ хўжалигида микроэлементларни қўллаш» каби йўналишлар бўйича ялпи ва шўъбавий мажлисларда олий таълим муассасалари ва илмий текшириш-институтлари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг етакчи олимлари

ва мутахассисларининг маърузалари, илмий-амалий ишлари тингучун курилмалар ва технологияларни яратиш», «Тиббиётда микроэлементлардан фойдаланиш», «Қишлоқ хўжалигида микроэлементларни қўллаш» каби йўналишлар бўйича ялпи ва шўъбавий мажлисларда олий таълим муассасалари ва илмий текшириш-институтлари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг етакчи олимлари

Ҳасан
АБДУНАЗАРОВ

Ватанизм мустақилликка эришгач Олий ва ўрта махсус ўқув юрлари ва барча соҳаларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига катта эътибор қаратилди. Сўнги йилларда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиши фикримиз далилидир.

Олий ўқув юрларида

УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА

Жумладан, бизнинг Тошкент Молия институтида ҳам келажакимиз пойдевори бўлмиш ёшларимизнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва бақувват камол топишида, уларни маънавий ва жисмоний соғлом қилиб тарбиялашда ибратли ишлар олиб боришмоқда. Факультетларда мунтазам ишлаб турган тўққиз турдаги спорт тўғрақларида қатнашиб келадиган спорт жамоалари «Универсиада» спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Жумладан, Наманган шаҳрида ўтказилган биринчи «Универсиада» мусобақаларида иштирок этган волейболчи қизлар терма жамоаси республикада фахрли бешинчи ўринни қўлга киритди. «Универсиада» мусобақалари ўтказила бошлаган дастлабки йилдан буён институт ҳудудига минн футбол, баскетбол, стол тенниси каби спорт турлари учун янги майдонлар барпо этилди. Қишқи спорт заллари эса тўла таъмирдан чиқарилиди. Тўғрақлар спорт анжонлари билан таъминланди. Миллий ва белбонли кураш турларининг ривожига эътибор кучайтирилди. Ҳозирги кунда спортнинг

ушбу турлари бўйича 50 нафардан зиёд курашчи талабалар секция машғулотлари қатнашчиларидир. Сўнги йилларда шарқ яққакураши турлари ривожига ҳам жиддий эътибор берилётгани қувончли ҳолдир. Жумладан, таэквондо спорт тури бўйича фидокорона меҳнат қилаётган мураббий Жонрид Мирзаев раҳбарлигидаги барча машғулотлар қизиқарли олиб боришмоқда. Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Универсиада — 2004» мусобақаларида кизгин тайёргарлик кураётган спортчи талабалар институт миқёсида ўтказилган биринчи босқин мусобақаларида спортнинг барча турлари бўйича синовдан ўтказилиб, сараланиб олинди.

Институт терма жамоаси сафидан жой олган волейболчи талабалар А.Аҳадов, С.Отажонов, У.Исломов, С.Ҳанитовлар «Талаба» спорт уюмси томонидан ўтказилаётган республика биринчилигида иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширишмоқдалар. Тошкент шаҳри олий ўқув юрлари ўртасида ўтказилган иккинчи босқин мусобақаларида фаол қатнашган Ж.Ҳакимов, С.Номозов, О.Сирожидали

новлар фахри иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаб Самарқанд шаҳрида ўтказилган якуний босқинга йўллангани қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Миллий кураш бўйича институт терма жамоаси аъзолари Ж.Ҳакимов, С.Номозовлар институти миқёсида фахридор. Яқинда эллик нафар шахматчи талабалар ўртасида ўтказилган мусобақаларда қатнашган Қ.Тўраев, Ф.Муҳаммадиев, О.Тошбоев, қизлардан Ҳ.Бозорова ва А.Генжабоевалар кучли шахматчилар сафидан ўрин олдилар.

Ҳозирги кунда футбол, волейбол, стол тенниси, таэквондо, баскетбол ва бошқа спорт секцияларининг ҳар бирида ўттиздан эллик нафаргача талабалар машғулотларга қатнашмоқдалар.

Айни кунларда «Универсиада — 2004» мусобақаларида кизгин тайёргарлик олиб бораётган Жисмоний тарбия кафедраси мудири, доцент С.Абдурашидов, катта ўқитувчилар Х.Абдуразоқов, Ш.Авлоратқулов, Б.Аббосовлар ёш спортчилар билан тинмай машғулот ва йиғинлар ўтказмоқдалар. Уларнинг келгусидаги эзгу мақсадлари юксак.

Марям АҲМЕДОВА

Фарзандларимизнинг ёшликдан соғлом бўлиб вояга етишлари, спортга муҳаббат қўйишлари тарбиячи ва ўқитувчиларнинг сабъ-ҳаракатларига боғлиқ. Яъни, мактабгача тарбия муассасаларида илк сабоқ берилса, қизиқарли мусобақалар ўтказилиб, болажонларда спортга муҳаббат уйғотилса келгусида уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари шубҳасиз.

Тарбия масканларида

ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР

Шаҳримиз туманларида жойлашган мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган ибратли юмушлар юқоридаги эзгу мақсадларни қўзғаб ташкил этилмоқда. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги 380-болалар боғчасида бўлиб ўтган «Отам, онам ва мен» деб номланган спорт мусобақалари ҳам айнан ёш авлод саломатлиги йўлида ташкил этилди.

Мусобақада ота-оналар жажжи болажонлар билан олти гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашдилар. Тарбиячи ва кичкинтойлар томонидан кизгин қўллаб-қувватланган ушбу мусобақа жуда қизиқарли лаҳзалар, таассуротларга бой ҳолда бўлиб ўтди.

— Боғчамизда бундай қизиқарли соғломлаштириш мусобақалари тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди боғча мудири Закира Нейматжонова. — Мақсадимиз эса

фарзандларимизда ёшликдан спортга муҳаббат уйғотиш, нафақат болаларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам бу борадаги қизиқарли ортирчи, оилаларда соғлом муҳитни юзага келтириш, ота-она ва болалар ўртасида бир-бирини ўзаро тушуниш ҳиссини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Мусобақаларнинг асосини эса ҳаракатли йиғинлар ташкил этади, бу болаларнинг соғлом бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамиятга эга.

Мусобақа сўнгида голиблар аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди. Жажжи кичкинтойлар ота-оналари ва мусобақага йиғилган барча қатнашчиларни хушнуд этиб, шўх куй ва кўшиқларга рақсга тушдилар, она-Ватан, дўстлик ва тотувлик, ота-она ҳақида чиройли шеърларни ёд олдилар.

Шаҳризода МУҲСИМОВА



Шайхонтоҳур туманидаги 15-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг ақл ва тафаккурини чарқлайдиган шахмат ва шашка мусобақалари тез-тез ўтказилиб турилади.

— Мақсадимиз ақл-идрок, матонат ва иродани мустаҳкамлайдиган спортнинг шахмат ва шашка турлари сир-асрорларини ёш авлодга ўргатишдир, — дейди спорт мактаби услубчиси Тўлқин Қўқонов. — Кетма-кет қўлга киритаётган ютуқларимиз эса меҳнатларимиз изсиз келмаётганидан дарак бермоқда.

СУРАТЛАРДА: 15-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Болалар спорти Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Кани, бир куч синашиб кўрайлик-чи?!

Бағишчон

ШАҲАР БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Кўни кеча Миробод туманида жойлашган 110-мактабда спортнинг бадминтон тури бўйича шаҳар босқинчи мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» БИҲ Миробод тумани бўлими Кенташи ва шаҳар Бадминтон федерацияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу мусобақа аввал мактабларда, туманларда ўтказилди. Туманларда жойлашган барча бадминтон клублари ҳам ушбу мусобақаларда фаол қатнашдилар. Туманларда голибликни қўлга киритган қатнашчилар шаҳар биринчилиги мусобақаларида куч синашдилар. Унда 70 нафарга яқин ўғил-қизлар иштирок этишди.

Кизгин ва мurosасиз ўтган беллашуларда яқка тартибдаги мусобақаларда ўғил болалар ўртасида биринчи ўринни Андрей Битнев, иккинчи ўринни Олег Сованюгин, учинчи ўринни эса Алишер Зоҳидовлар эгалладилар.

Қизлар ўртасида эса биринчи ўринни Яна Катерович, иккинчи ўринни Алина Асиянова ва нихот ўқинчи ўринни Анна Смирновалар қўлга киритдилар.

Ўғил болалар жуфтлик мусобақасида эса голиблик Андрей Битнев ва Рафазль Зокирларга насиб этди. Иккинчи ўринни Олег Сованюгин ҳамда Алишер Зоҳидов, учинчи ўринни эса Игорь Дё ва Билов Агзамовлар жуфтликлари банд этишди. Қизларнинг жуфтлик мусобақасида голиблик шохсупасига Анна Санунова ва Алина Асиянова кўтарилди. Комила Каримова ҳамда Татьяна Тёнова иккинчи ўринга лойиқ тоғилди. Учунчи ўринни эса Рушана Дўстмухамедова ва Мадина Агзамовалар эгалладилар.

Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг бадминтон турини ривожлантириш ва оммавийлаштиришдан иборат эди. Кизгин беллашулар ёшлар ҳаётига спортнинг қанчалик чуқур кириб бораётганидан даролат бериб турибди. Садриддин АЗИЗОВ

Шахмат Ақл-идрок беллашуви голиблари

Бугунги куннинг ёшларини қаранг, ақл-идрокли, билимли, қизиқувчан. Айниқса талабаларнинг ҳар соҳага интилиб, муваффақият қозонаётганини кўриб беихтиёр фахрланиб кетасан. Олий даргоҳда машаққатли илм сирларидан таҳсил олиб, яна спортнинг барча турлари билан шуғулланишга ҳам вақт ажратишади.

Фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида бир ҳафта мобайнида шахмат бўйича шаҳримиз олий ўқув юрлари талабалари ўртасида ўтказилган кизгин беллашуви айтишимиз мумкин. Мусобақада Тошкент Давлат Шарқшунослик, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари, Тошкент Давлат иқтисодий университети каби бир қатор олий ўқув юрларидан 6 нафардан кучли ўйинчилар, 22 та жамоа қатнашди. Голибликни қўлга киритган 3 жамоа эса 25 майда Самарқандда бўладиган «Универсиада—2004» мусобақаларида йўлланма олди.

— Талабалар орасида Антон Филиппов, Дамир Хусниддин, Севара Юсубалиева, Леонид Козив, Абдулаҳад Кўчқоров, Вера Должниковна, Алия Усмонова, Аҳмад Бобоев ва бошқа шу сингари қатор кучли шахмат усталари ушбу мусобақаларда иштирок этишди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси, ёрдамчи ҳакам Валерий Таронов.

Шу ўринда биз ҳам нуфузли мусобақага тайёргарлик кўраётган «Универсиада—2004» қатнашчиларига омад ва зафарлар тилаб қоламиз. Юнус АСРОРОВ

Лекин мана шу имкониётлардан барча ёшларимиз фойдаланяптилар, спортни жон-дилидан севган болалар ўзлари хоҳлаган тўғрақларга қатнашмоқдалар, деб айта олмаймиз. Бунинг эса турли сабаблари бор. Яқинда бир юмуш билан «Бўстон» маҳалласида бўлди. Йўлда болалар эканмиз йўл четидан кичкинагина (агар спорт майдончаси деб айтишга арзиса) майдончада ўзаро худди жанжаллашаётгандек қаттиқ баҳс юритаётган 5-6-синфлар чамасидаги ўғил болаларга кўзимиз тушди. Беихтиёр улар ёнига яқинлашиб суҳбатларига кулоқ тутдик. Мана, эшитиб кўринг-а, уларнинг дардлари нима экан.

Мирзабек Комиллов, 7-синф ўқувчиси — Мен футболга боришни, зўр футболчи бўлишни жуда хоҳлайман. Лекин ҳеч бунинг иложини тополмайман. Қаргга борсам пуллик ёки таниш-билиш, ҳозир иложи йўқ, кейин келарсан деб қайтариб юборишади. «Пахтакор»нинг ўйинларини кўриб «Эҳ, қани энди, мураббийлар биз тенги ёшлардан, ҳақиқий истеъ-

додлар ичидан териб олиб, ҳақиқий «Марадона»ларни тарбиялаб борсалар, жонхон майдонларида тўп суғриб, Ўзбекистон байроги-

шуғулланишимиз учун бепул тўғрақлар йўқ? Қани ўша бизни кутиб оладиган меҳрибон мураббий, ўқитувчилар?..

Динқай гана

ФУТБОЛГА БОРИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Эртамининг ишонган тоғлари бўлиши фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари, спортга меҳр-муҳаббат қўйишлари йўлида юртимизда талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан Юртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тузиш ҳақидаги Фармонлари ҳам айнан фарзандларимиз камоли йўлидаги эзгу юмушлардан биридир. Бугунги кунда жойларда Болалар спорти жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари ҳам болалар оммавий спортини ривожлантириш йўлида самарали иш олиб бормоқда.

ни баланд кўтариб юрармик», дейман. Козим Юсупов, 6-синф ўқувчиси: Нима, мохир футболчиларимиз йўқми. Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимовларчи? Менимча, истеъдодли ўйинчилар бизда жуда кўп, лекин улар танлаб, саралаб олинмай қоляпти. Мен спортнинг каратэ тури билан шуғулланаман. Фақат, маблағ масаласи чатоқ, икки ойдан бери машғулотларга боролмаяпман. Лекин ўзим жуда-жуда келажакда каратэчи бўлишни хоҳлайман.

Даврон Худойкулов, 6-синф ўқувчиси: — Мен «Жар» спорт-соғломлаштириш марказидаги сузиш тўғрагига қатнар эдим. Нега, биз тенги болаларнинг спорт билан

суҳбатлашдик, масалаҳатлар бердик. Биз ҳомиёлар орқали имтиёзли шароитлар яратадиган мутасадди ташкилотлар янада кўпайишни астойдил истардик. Ахир амалга ошираётган барча эзгу юмушларимиз эртаминиз давомчилари учун экан, барча имконият, шарт-шароитларни ишга солишимиз, улар қалбига кулоқ туттишимиз лозим. Қидирган имкон, излаган йўлини топади деб бекорга айтилмаган. Ахир миллионлар ўйини ҳисобланган футболда ўзбек «Марадона»сининг жаҳон майдонларида тўп суришини ким ҳам кўришни орзу қилмайди, дейсиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

КАРАТЭ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ ЭДИМ...

Қизларни жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ жалб қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак? Шу савол билан «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоларига мурожаат қилдик.

Мадина СОДИҚОВА, 15 ёш:

— Мен спортнинг сузиш турига қатнаймаман. Спортдаги исталган мақсадга эришиш учун кўп шуғулланиш зарур, бироқ ўқишдан чиқиб узоқдаги тўғрақка боришга қийналяпман. Қани энди ўқиш жойимда — Успенский номли мусика академик лицейида сув ҳавзаси қурилса. Унга кўплаб дўстларим ҳам қатнашишни хоҳлар эдилар.

Нигора ҲАЙИТМУРОВОДА, 20 ёш:

— Мен ҳам сузишга қатнаймаман, ўзимни ёки сузиш кийимини кўз-кўз қилиш учун эмас, соғлигим учун бораман. Уч йил аввал врач менга сузишга қатнашни тавсия қилган эди, унда суякларим яхши ривожланмаган ва мўрт деб ёзиб беришганди. Лекин ҳозир соғлигим жуда яхши. Демак, сузишнинг фойдаси бор экан.

Гулчехра ҲАСАНОВА, 20 ёш:

— Қизлар учун энг яхши спорт тури бу сузиш бўлса керак. Болалигимда сузиш билан шуғулланар эдим, бироқ ҳозир ота-онам бўйига етган қизга бу иш тўғри келмайди, деб менга сузиш билан шуғулланишни тақиқлашмоқда. Жуда ҳам хоҳлардимки, шундай спорт маскани бўлсаки унга фақат қизлар қатнаса.

Дилобар МИРЗАБЕКОВА, 21 ёш:

— Ўтган йили дугонам билан «Жар» спорт комплексига таэквондо бўйича қатнашмоқчи бўлиб борган эдик. Мактабда жисмоний тарбия ўқитувчимиз таэквондо бўйича «қора белбоғ» эгаси бўлиб, бизга шу спорт турининг сирларини ўргатган эдилар. Шу спортни давом эттирмоқчи эдим, лекин бизни галати кутиб олишди. Чунки биз тенги қизлар у ерда умуман йўқ экан ва улар бизни қайси гуруҳга киритишга ҳайрон бўлиб қолишди. Дугоналарим орасида каратэ, таэквондо, курашга қизиқувчилар жуда кўп, бироқ бизга мос бўлган спорт мажмуи йўқ, шекилли.

Юқоридаги сўзлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек қизлари спорт билан шуғулланишни истайдилар. Уларнинг кўплари болаликларида қайсибир спорт турига қизиқинган, бироқ вояга етганларидан уларга мўлжалланган алоҳида маскан бўлмагани учун сеvimли машғулотларини давом эттиришларининг иложи йўқ. Ёшлар орасида спортни оммавийлаштиришда шу жиҳатларга ҳам эътибор берилса яхши бўларди.

Юлдузхон ИБРАГИМОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ижодий ходими

Шарк дурдоналари

ОЗ-ОЗ УРГАНИД ДОМО БУЛУР...

• Нодон дўстдан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, кейин душман чангадани қочиб кутулмайсан.

• Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заиф, кўрок, алдамчи дўстдан душман афзал.

КИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдарад бўлишга аҳд-паймон қилишди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафкат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик озгин нотавон махлукман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қилман, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб, тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

ХИССА. Дўст ташлашда шовилмаслик керак, аввал уни синаб, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик илларини бевафолик, гаддорлик болтаси билан узманг. Илло, сизнинг бошингизга ҳам хийлагар тулкининг кунни тушмасин.

Байт:

**Кимки дўстлиқни хор айлабди, уни —
Қисмат жазолагай —
чиқиб тутуни.**

• Тўғри йўлдан юрган одам номусли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади. Ҳеч кимни алдамайди. Тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улуг фазилат эканини билади.

• Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинингизга кўзламайди. Халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ХИКОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб кўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?

— Сахиллик, — деди донишманд.

ХИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманим деб биламан. Ёлгон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:

**Гар чақимчи ўз ишидан
урса дам,
Кудратинг етса тилни
қилгил қалам.**

• Дилим ранжимасин десанг, гийбатчи бўлма.



Шаҳримизда бу каби кўргазмалар тез-тез ўтказилиб турилади.

...Ҳабиба билан Бурхон мактаб даврларидаёқ бир-бирларига кўнгли қўйишди. Казо-казолар даврасида юрган ота-онанинг дидига қизнинг насл-насаби ўтиришмасида, Бурхоннинг раъйини қайтара олишмади. Ҳабиба қудалар ўртасидаги номуаносибликни келин бўлиб тушган, янада ойдирок ҳис қилди. Қайнонанинг жончақар гаплари, қайинсингилларининг даққилари ўрак-бағрини қон қилса-да, озғизга тош ютди. Чунки уни севиб ардоқлайдиган Бурхони ёнида, барига чидаши керак эди.

— Бола туғишга улгурасан, — деди бир кун қайнонаси. — Ўқишга киргизиб қўямиз, бир хунарнинг эгаси бўл.

Бу гапдан Ҳабибанинг боши осмонга етди. Бир этак бола билан тул қолган онасининг қўли калталик қилиб уни ўқита олмаган эди. «Барибир тушунган оила-да, — хаёлидан ўтказди у, — кимнинг қайнонаси ўқитаяпти?» Билим юрти имтихонлардан муваффақиятли ўтган келинини қайнона аёллар шифокори ҳузурига олиб борди ва фарзанд кўрмаслик чораларини кўриб келишди.

Ҳали рўзгор, ҳали ўқиш ташвишлари билан талабалик ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Энди у катта бир корхонада иқтисодчи бўлиб ишлай бошлади. Яшайверсанг, барига кўни-қасан дегандай, қайинсингилларнинг феълени беш қўлдай қилиб олган Ҳабиба улар билан тил топишди. Фақат бир дард уни зимдан адо қиларди, холос. Бу унинг фарзандсизлиги эди. Мана, олти йилдири, кўринмаган шифокори, ўқитмаган домласи қолмади. Фойдаси йўқ. Севги деганлари ҳам ўткинчи экан, алоҳида квартирада яшай бошлаганларидан буён Бурхоннинг ҳам феъли ўзгарган. Ҳар гапида:

— Мен тенгиларнинг боласи мактабга бораёпти. Умрим сени деб ўтаяпти, — дейди.

Уйга хоҳласа келади, хоҳламаса йўқ. Қайнонасига айтган эди, балого қолди:

— Ҳа, сенинг пешонанг-да термулиб ўтирсинми? Тенг-тўшларининг ичида бош кўтариб юролмас. Йигит киши кўнглини ёзсин, йўлини тўсма, — дея озғиздагини бўғизига ёпиштирди.

Бу ҳам ҳолва экан. Бурхон бир кун қорни билдир-билимас кўтарилган суксурдай жувон билан кириб келди.

— Ҳаби, мана бу менинг хотиним, — деди ширакайф

— Сен амманга тортгансан, у ҳам бир умр тирноққа зор ўтган. Ўғлимнинг бошини боғлама. Тузуккина келин топиб қўйдим, мен ҳам орзу-хавас кўрайин.

Орадан яна анча гап-сўз ўтди. Ҳабиба юм-юм йиғлаб маломатлар остида кечираётган рўзгоридан қувилди, онасиникига қайтди.

...Сўнги умиди ҳам поймол бўлган Ҳабиба қанчалар уринмасин, тақдирига

Мурчи горраҳаларида

ҚИСМАТ ЧИФИРИҒИ

Тун қўйида таралаётган тўй садолари Ҳабибанинг дил ярасини батаврт тирнади. Тезроқ бу жойдан кетгиси, эски дардларини унутгиси келиб кетди. Онаси ҳарчанд йўлдан қайтармасин, уйининг қалитини олди-да:

— Шу бугун мени безовта қилманг. Юрагим тўлиб кетаяпти, — дея хомуш чиқиб кетди.

оҳангда, — мен яқинда ота бўламан! Билдингми?

Ҳабибанинг тиззаларида мадор қолмади, остонада чўкканча қотиб қолди.

Шу тун Ҳабиба қон ютди, борай деса бирор яқини йўқ. Онасининг уйига ҳеч қачон ғамини элтмаган. Нима қилади, онасини қийнаб, ичидан зил кетган пайтлари ҳам онасига билдирмаган. Яхшиши, уйдан ҳеч қачон қишгани маъқул. Майли, Бурхон фарзандли бўлсин, мандан кўрмаган бахтни кўрсин, деб ўзига тасалли берди.

Ҳабиба қундоши билан бир уйда икки ой яшайди. Шу икки ой давомида Бурхон уни ҳар кун кет, деб ҳайдар, ё бўлмасин Зуля (қундошининг ҳақиқий исми нималигини у билмасди) билан ҳиринглашиб ўтирарди. Ҳабиба туну кун Яратгандан ўзига сабр, эрига инсоф тилар эди. Зуля Бурхонга кутган бахтни бера олмади, икки ой ўтгач, ҳомиласини гумдон қилиб, ким биландир қочиб кетди. Бурхон Ҳабибага «Мени кечир», — дея таваллолар қилса-да, кўнглининг но-зик торлари аллақачон узилиб бўлган эди. Шундан сўнг қайнонанинг ғал-васи бошланди.

тан бера олмас, Бурхонни унутолмасди. У руҳсиз, Бурхон билан яшаган уйнинг эшигини очиб, беҳол деворга суянди. «Нахотки, ҳаммаси тамом бўлса? Демак, мени астойдил севагани эканда. Агар озгина севганида оғир кунларда ташлаб қўймас, осонликча бошқага уйланиб кетмас эди».

Ҳабибанинг мижжаларига қуйилиб келган ёш оғзи-ларини юва бошлади. Энди у батамом ёлғизлик азобиға маҳкум.

У оғир қадамлар билан ётоққа кирди-ю, ўзини диванга отди. Ўтган кунлар ёди унга сира тинчлик бермасди. Зилдай бошини намикдан болишга ташлади-ю, ногоҳ: эшик очилганини ҳам сезмай қолди.

Узининг қалити билан эшикни очган Бурхонга бахтсизлиги айниқса бугун қаттиқ билинди. Укаларининг бахтиёр кунларида даврада шод-хуррам қиёфада ўтира олганидан, унинг ҳам кўнгли ёлғизлик тусаган эди. Қарангки, бир-бирдан беҳабар Ҳабиба билан Бурхон ўзлари учун энг бахтсиз оқшомда фалақнинг гардиши билан тўқнашди.

Дастлаб эшикдан кирган Бурхон ўзи билан овора бўлиб, пойгада турган та-

ми Кенгаши ҳамда туман педдагог ташкилотчилар маркази ташаббуси билан ўтказилган ушбу шодиёнада маҳалладаги кам таъминланган оилаларга байрам дастурхони тuzалиб, улар учун дошқозонда сумалак пишириди.

— Албатта одамнинг қандайлигини тўю маъракада яхши билса бўлади, — дейди маҳалла раиси Турсунхўжа Саидхон. — Маҳалладошлар кўриб турганингиздек, қўли-қўлига тегмай Наврўз тўйида хизмат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири «Маҳалланг—ота-онанг» мақолини қалбига синдириб олишган ва биргалликда бунга амал қилишади. Зеро, ҳамжиҳатликда, меҳр-муруватда хикмат кўп.

Озода РИХСИЕВА

ниш пойабзал ва сумкачага эътибор ҳам бермаган эди. Даҳлиздаги ёруғлик ётоқхонага тушиб турганидан Бурхон диванда кимдир ётганини йиғлаб қолди. Ажабланиб чироқни ёқди, не кўз билан кўрсинки, Ҳабиба ёстиққа юзини босганича юз тубан ётарди. Ёруғлик уни ҳам сергак торттирди. Даст бошини кўтариб, Бурхонни кўрди-ю, қотиб қолди. Бир нафас нигоҳлари тўқнашди-да, сўзсиз бир-бирларининг бағирларига отилишди.

... Орадан икки-уч ой ўтгач, Ҳабиба ўша кеча Оллоҳнинг қутилмаган туҳфасига учраганини сезиб қолди: у ҳомиладор бўлган эди. Бундан Бурхон ҳам хабар топиб беҳад қувонди, аммо бора-бора ақинларига ошкор бўлган ҳомила Ҳабибанинг қайнонасини жазавога солди.

— Уйнашдан орттирган болангни ўғлимга ёпиштиришга ҳақинг йўқ. Болам барибир сен билан яшамайди, бошқасига уйлантираман, — деди у катъий оҳангда.

Она ўз айтганини қилди, ўғлини уйлантирди ҳам. Ҳаётнинг навбатдаги бешафкат зарбасига чидай олмаган Ҳабиба бамаъни бир йигитга турмушга чиқди. Бу вақтда у Бурхондан ҳомиладор эди, юлдуздай порлаб қизалоқ туғилди. Унга Меҳриноз деб исм қўйди. Қизчанинг қиёфаси худди Бурхоннинг онасига ўхшарди. «Бир кун бувингарда рўпара қилганимда кимлигини таништириб уялтирасан, қизим!», — Ҳабибанинг дилидаги тугун очилгандай бўлди.

Йиллар ўтди. Ҳабиба ниётига етди. Меҳриноз мактабга қатнаётган кунларининг бирида бувисига рўпара бўлди. Кампир ичидан зил кетди. Қизчада ўзига ва ўғлига ўхшаш белгиларни кўриб юраги ачишди. Аммо буви йўл қўйган хатосидан орланиб, қизни бағрига боса олмади. Кўксидидаги ормондан кўзига қуйилиб келган ёшини аргганича Меҳринознинг орқасидан қараб қолди.

Гулжолан ЖАБОРОВА

Бу — кизик

ОНА ЭМАС, ОТА

Саудия Арабистонида оилалар ичида келишмовчиликлар туғилса, ур тўполон, йиғи-сиғи қилиб ўтиришмайди. Аксинча, тезда муросаимадорага келиб қўйишади.

Ахмад деган ўзига тўқ йигит жудаям қийналиб кетди. Нега дейсизми? Чунки хотини унга иккинчи қизни туғиб берди. Ҳа, ишонаверинг, у ёқларда бизга ўхшаб қиз тарбиялаш оғир эканда. Шунинг учун у ўйлай-ўйлай, охири хотинини талоқ қўйиб, ажрашибди.

Энг қизиги шундаки, бу ерда мабодо оила бузиладиган бўлса, эр оиласини уйда қолдириб, ўзи кўчага чиқиб кетиши керак экан. Ҳа у ёқда хотинини кўчага ташлаб қўйиш — гуноҳ экан!

Хозир нима қилиб юрганикин, дейсизми? Нимаям қиларди, ўзига бирор дурустроқ — бошпанага ярайдиган ишхоналарда хизматчилик қилиб юрармиш. Бугун қоровул, эртага яна бирор иш.

Ҳа оила бузилса, шунақа — шўрлик эр бир амаллаб тирикчилигини ўтказиб юраверади.

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ

Турли хил раҳбарлик лавозимларида ишловчи аёлларнинг тақдири қандай? Буни Миландаги «Бакони» университети профессори Соверино Солвеллини ўрганиб чиқди. Италияда ишловчи аёллар ҳафтада 48 соат ўз жойларида ишлашади ва 12 соат вақтларини ўз ишларини бажаришга сарфлашади. Шундай бўлса-да, хотин-қизлар ғайратли, хушчақчақ, дилбар бўлиб қолаверишади. Аёллар ишда юқори лавозимларга эркакларга қараганда икки йил аввал эришадилар.

НАТИЖАСИ БИР

Статистиканинг тасдиқлашича, эркаклар аёлларга нисбатан ўн йил кам умр кўришар экан. Чет эллик тиббиёт ходимлари бунинг асосий сабабини эркаклар ўзларининг касал эканликларини билмасликларида деб ҳисоблашмоқда. Улар соғликлари ёмонлашса шубҳага тушиб, ўзларини ўзлари даволашмоқчи бўлади-лар ёки ваҳимага тушадилар. Ҳар икки ҳол ҳам ёмон оқибатларга олиб келади.

Назм

МЕҲР ДАРАХТИГА ИЛДИЗ БЎЛАЙЛИК

Вақтимиз йўқ деймиз, вақт бизни ютар,
Худа-беҳудага умримиз ўтар,
Эшикка термулиб беморлар кутар,
Қоронгу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Ёлғизлик захмини тотган одамлар,
Бир-бирин йўғини ёпган одамлар,
Дунёдан дунёлар топган одамлар,
Қоронгу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Кимдир гапиролмас, кимдир кўролмайд.
Кўзлар бор жовдираб йўлга қарайди,
«Меҳрибонлик уйи» меҳр сўрайди,
Қоронгу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Тоғда какликчалар ёлғиз сайрамас,
Сувда балиқчалар ёлғиз яйрамас,
Ким меҳр бермаса, меҳр сўрамас,
Қоронгу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Болалар безаги ҳар кун, ҳар дамни
Болалар кулгуси тутсин оламни
Боласидан кечган одам—одамми?
Қоронгу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Дардингни кўзингдан билган ўзбеклар,
Майизни қирқтага бўлган ўзбеклар,
Уйлари буғдойга тўлган ўзбеклар,
Қоронгу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Зулфия МЎМИНОВА

Шифобахш ўсимликлар

ҚОРАҚАНД

Қорақанднинг бўйи 4 метрга етиши мумкин, барглари юпка, томчисимон кўринишга эга, узунлиги 2-6 сантиметр, қирраси текис ёки тишли, уст томони кўкиш, таги яшил. Ёш шохчалари қўнғир, катта шохлари кулранг тусли бўлиб, гуллари заъфарон, шингилсимон тўпгулдан иборат. Ўсимликнинг шохлари кўп, тиканлари учли. Ўсимлик меваси тўқ бинафша рангли бўлиб, чўзиқроқ, тухумсимон шаклда, узунлиги 0,7-1,2 сантиметр келади. Меваси августининг иккинчи ярмидан сентябрь ойининг охиригача пишади. Ўсимликнинг меваси кўм-кўк рангда, шода-шода бўлади.

Республикамызда қорақанд табиий ҳолда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа кўпгина жойларда сой бўйлари, тош ва шағалли тоғ ён бағирларида учрайди.

Қорақанд мевасидан зиравор омил сифатида, шунингдек, бир қатор хасталикларнинг давоси сифатида фойдаланилади.

Қорақанд меваси ўз таркибидан С дармондорисини, органик кислоталар (олма, лимон, оқсалат), холинсифат моддалар, қанд моддаси, минерал тузлар ва бошқа моддаларни сақлайди.

Қорақанд мевалари қадимдан халқ табобатида ишлатилиб келинади.

Абу Али Ибн Сино қорақандни чанқоқ қолдирувчи, иситма хуржидан халос қилувчи, юракка далда берувчи ҳамда жигар касалликларига шифолик қилувчи омил сифатида тавсия этган.

Қорақанддан асаб фаолияти

суствлашганда, ошқозон-ичак, сарик касалликларини даволашда хароратни пасайтирувчи, иштаха уйғотувчи, ўт ҳайдовчи, яллиғланишга қарши восита сифатида фойдаланилади. Қорақанд илдизидан тайёрланган қайнатма безгак ва боднинг давоси ҳисобланади. Бу қайнатма халқ тилида «қиёми зирк» деб аталиб, оғиз бўшлиғи касалланганда унинг суюлтирилгани билан чайқаш тавсия этилади.

Қорақанднинг барглари асосида тайёрланадиган дамлама безгак асорати бўлган талоқ шишида ҳамда жигар касалликларида фойда беради, илдиз пўстлоқларининг дамламаси ўтдаги тош, сарик, буйрак оғриғи, бод каби хасталикларни даволашда қўлланилади.

Кавказдаги маҳаллий аҳоли (қорачой-черкеслар) қорақанд илдизи асосида тайёрланадиган қайнатмани ошқозон-ичак касалликлари, бод, безгак, зо-

Республика Марказий банкида “Банкларда лизинг операциялари қўламини кенгайтириш истиқболлари ва уларнинг ҳисобини олиб бориш” мавзuida семинар ўтказилди. Унда Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари иштирок этди.

ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўтган йилдан буён Марказий банк ҳузурида АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСА-ИД) нинг “Ўзбекистон банк тизимини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг мақсади тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг жаҳон стандартларига жавоб берадиган услубларини амалда қўллаш, сўнги ўзгаришларни ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжатларда акс эттиришга кўмаклашишдан иборат.

Республикамыздаги мавжуд тижорат банклари лизинг амалиётлари орқали етарли сармоёга эга бўлмаган тадбиркорларни техника ва технологиялар билан ҳеч қандай ортиқча гаров ёки кафолатсиз таъминлаб, уларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйганлар. “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда лизинг олувчилар учун анча

қулайликлар яратилган. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудига олиб келинаётган замонавий техник асбоб-ускуналарни боғжона тўлови ҳамда қўшилган қиймат солиғидан, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача лизингга берилган мулкдан мулк солиғи тўлашдан озод этилган.

Тадбирда сўзга чиққан хорижий мутахассислар лойиҳа доирасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар айнан Марказий банк мутахассислари, тижорат банклар бухгалтерларининг халқаро андозалар бўйича билим ва маънаси етарли даражада эканлигини эътироф этишди. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоботини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар ҳам таҳлил қилинаётганлиги ҳамда лизинг амалларни янада ривожлантириш борасида ҳамкорликда қилинаётган ишлар самарали бўлаётганлигини таъкидлашди.

Алоудин ҒАФФОРОВ,
“Туркистон-пресс”

тилжам, сил касалликларини даволашда ишлатадилар. Ўсимлик гуллари асосида тайёрланадиган дамламадан юрак касалликларини ва безгакни даволашда фойдаланадилар.

Қорақанд меваларидан тайёрланган дори-дармонлар ўт пуфганинг шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларда, унда тош бўлганида ҳосил бўлувчи оғриқларга енгиллик берувчи омил сифатида истеъмол қилинади.

Қорақанд барглари асосида тайёрланадиган спиртли эритма қон оқиши, яллиғланишга қарши даво бўлиши билан бирга қон томирларини торайтиради, томир урушини тезлаштиради, ўт ажралишини кучайтиради, бачадон мушакларини қисқартиради.

Илмий тиббиётда хавфли ўсмаларни даволашда ишлатиладиган йўғма дори таркибига қорақанд ўсимлигининг илдизи асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек пазандачилигида қорақанд кўпгина овқатларга қўшилиб, уни татимли, хушўр бўлиши учун ишлатилади. Қорақанддан бир қатор маҳсулотларни консервланишда ҳам фойдаланилади.

Қорақанд ўсимлиги ва умуман барча зирк турларидан саноят аҳамиятига эга бўлган ноёб бўёқлар олинади. Ўсимлик ёғочидан нафис, жилддор буюмлар ясалади. У асалчил ўсимлик ҳамдир.

Спорт

ОЛИМПИАДАГА ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМА

Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида дзюдо бўйича «А» тоифасига кирувчи Гран-при туркумидаги Грецияда ўтказилган ёзги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берувчи нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш кераки, турнирда мамлакатимиздан икки нафар яққакураш устаси — Абдулла Тангриев ва Вячеслав Претейко муваффақиятли қатнашди. Абдулла Тангриев бронза медаллари соҳиби бўлиб, олимпиадада иштирок этиш талабларини бажарган бўлса-да, бироқ у бундан олдинги мусобақаларда Грецияга йўлланмани қўлга киритиб улгурганди. Вячеслав Претейко эса халқаро турнирда бешинчи ўринни эгаллаганига ва олдинги мусобақаларда эришган ютуқлари эвазига олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ШАҲРИМИЗ КАРАТЭЧИЛАРИ ГОЛИБ

Икки кун давомида Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида каратэнинг киокушинкай йўналиши бўйича учинчи республика чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

«Болалар жиноятчилиги ва гиёвандликка қарши кураш» деб номланган ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 150 дан ортиқ ўғил-қизлар ғалаба учун кураш олиб боришди. Мусобақада 10 ёшдан 18 ёшгача ва ундан юқори ёшли спортчилар таъмига чиқди. Ўз вази тоифаларида Ф.Тўхтабоев, Ж.Холматов, Х.Маматов, М.Абдуллаев, С.Тоҳиров каби каратэчилар рақибларидан устун келиб, олтин медалларни қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида шаҳримиз спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикаси каратэчилари эса кейинги ўринларни банд этишди. Барча голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

1976 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда бўлган «ГАЗ-52» русумли юк автомашинаси ким ошди савдоси орқали сотилди.
Телефон: 119-47-19.

Анжуманлар

КЎҲНА ШОШ ЎТМИШИ

Гўзал ва бетакрор пойтахтимиз тарих зарварақлари-га олтин ҳарфлар билан битилган шонли ўтмиш соҳибидир. Қадимда Шош давлатининг, кейинчалик эса Тошкент хонлигининг пойтахти бўлган шаҳримиз юртимизнинг барча кишилари учун бирдек азиздир. Демакки, унинг ўтмишини ўрганиш, қадимий тарихини билиш, ундаги бунёдкорлик ўзгаришларининг моҳиятини англаш ҳар бир ёш авлод учун аҳамиятлидир.

Шу жиҳатдан ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг қадимий тарихимиздан хабардорлик даражасини ошириш, кўнглиларидан Ватан ва ўзбек халқи, унинг бой тарихи, умрбоқий санъати ва маданиятига нисбатан меҳр, гурур ва фахр туйғуларини юксалтириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг «Маънавият ва маърифат» бўлими томонидан «Маънавият гулшани» ёш қизиқувчиларнинг илмий-амалий, адабий-муסיқий мулоқот давраси ташкил этилган.

Яқинда «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ушбу давранинг «Тошкент ўтмиши» мавзусига бағишланган навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларининг талаба ва ўқувчилари, шунингдек, тарихчи, элшунос ва санъатшунос олимлар иштирок этдилар.

Маълумки, йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган шаҳримизнинг атрофи қадимда девор билан ўралган бўлиб, унга Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапұл, Лабазак, Қашқар, Кўкон, Қўймас, Бешёғоч ва Камолон номли 12 дарвозадан кири-

ган. Ҳар бир дарвоза мудофаси эса унга яқин жойда яшовчи аҳоли зиммасига юклатилган. Шунингдек, ана шу ўн икки дарвозадан нарида, шаҳар ташқарисидан 12 та мудофаа иншоотлари — Оқтепа деб аталувчи оқ тусли сунъий тепаликлар ҳам бўлган. Сўзга чиққанлар ана шу тепаликлар тарихи хусусида батафсил тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, анжуман давомида Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси раиси Амиркул Каримов, архитектура фанлари номзоди Абдужаббор Яҳёевнинг пойтахтимизнинг қадимий шонли тарихи, ундаги буюк меъморий ва маданий обидалар ва бугунги бунёдкорлик ишлари юзасидан маърузалари ҳам тингланди.

Ҳа, миллатнинг буюк тарихи халқни доимо эзгу ва зафарли ҳаракатларга чорлайди. Ўтган кун сабоқларини англаш эса эртанги кун муваффақиятларига замин яратди. Шундай экан давлат, миллат ва халқ тарихини ўрганиш, ундан хабардор бўлиш ҳар бир инсоннинг маънавий бурчидир. Ватан тарихини билиш эса ўзимиз яшаб турган маҳалла, шаҳар тарихини ўрганишдан бошланади.

Дилдора МЕЙЛИЕВА

ТИББИЙ-ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат Бош санитария-эпидемиология бошқармасида Европа Иттифоқи лойиҳасида кўзда тутилган техник-тиббий ёрдам қабул қилиб олинди.

Ушбу ёрдамни топириш маросимида Европа Иттифоқи лойиҳа раҳбари ўринбосари, доктор Манфред Пютер ташриф буюрди. Лойиҳа Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларидан тиббий хизматни яхшилаш, уни янада такомиллаштиришни кўзда тутди. Лойиҳа Франциянинг «Консей Санте» ва Германиянинг ГТЦ компаниялари томонидан амалга оширилди. Лойиҳанинг қиймати 2 миллион еврога тенг бўлиб, бу маблағ асосан Қорақалпоғистон республикаси ва Қашқадарё вилоятида тиббий хизмат даражасини оширишга, касалликни эрта аниқлаш, санитария-эпидемиология лаборатория ташхисларини аниқлашга, шозилич тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш каби мақсадларга йўналтирилган.

Германия компанияси билан тузилган шартномага асосан экологик аҳвол

огир бўлган ҳудудларга биринчи навбатда зарур қисмлар, жиҳозлар, тиббий ва техник асбоб-ускуналар етказиб берилади. Шунингдек у жойларда лаборатория ходимлари малякасини оширишга ҳам яқиндан ёрдам беради. Айнан шу компания Қашқадарё вилоятининг Қарши, Баҳористон, Миришкор, Чирокчи, Деҳқонобод туманлари, Қорақалпоғистоннинг Нукус, Амударё, Чимбой, Беруний, Мўйнок, Кўнғирот туманларидаги тиббий ва санитария-эпидемиология муассасаларини замонавий техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Доктор М.Пютернинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи лойиҳаси Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда малякали кадрлар тайёрлашда ўз самарасини беради.

Алишер АЗИМОВ,
«Туркистон-пресс»

АВТОРАЛЛИ МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ҳамда «Автохамроҳ» журнали ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистон—2004» автораллисининг республика чемпионатида старт берилди.

Ўзбекистонда автомобиль спорти ривожлантириш ҳамда ёшларини орасида уни оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган авторалли мусобақасига бағишланган матбуот анжумани Республика техник ва амалий спорт турлари марказида бўлиб ўтди.

Маълумки, автоспорт жуда машаққатли, шунингдек, хавфли спорт турларидан бўлиб, бу спортчилардан кўпроқ ҳаракат ва ўз устидан ишлашни талаб этади. Бу борада Республика техник ва амалий спорт турлари марказида ёшларни ҳар томонлама чиниқтириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳар йили тақвим режа асосида авторалли мусобақалар ўтказиб келинади. Бу спорт турини омма орасида ривожлантириш мақсадида «Ватанпарвар» ташкилоти ва ҳимий ташкилотлар биргаликда «Асака» автомобиль заводига янги спорт ма-

шиналари учун буюртмалар беришни режалаштирган.

Асосан, ёшлар, ишқибозлар ва катта ёшдагилар учун 3 тоифага мўлжалланган автоспортнинг ёшлар тоифасида мактаб ва коллеж ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрти талабалари иштирок этиши мумкин.

Автоспортда ишқибозлар тоифаси кенг камровли бўлиб, улар енгил ва юк машиналарида мусобақаларда иштирок этадилар.

— Бугунги ўтказилган авторалли чемпионатида Андижон, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 52 нафар олий тоифали спортчилар иштирок этади, — дейди мусобақа мутасаддиларидан Шавкат Камбаров. — Спортчиларимиз Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти кўчалари жами 240 километр йўлни босиб ўтишлари лозим. Бу ўринда



барча чора-тадбирлар режага асосан амалга оширилган.

— Авторалли бу комплекс автомобиль мусобақаси бўлиб, унда 2 экипаж характери йўғунлиги ниҳоятда аҳамиятли, — дейди жумладан мусобақа иштирокчиси, авторалли бўйича Ўзбекистон чемпиони Сергей Горбунов. — Бу икки экипажнинг ҳар бирига аниқ мақсадга йўналтирилган улкан масъулият юкланган бўлади. Фақат тезкорлик ва индам ҳаракатгина спортчиға муваффақият келтиради.

Чемпионатда мамлакатнинг етук спортчилари, халқаро мусобақа иштирокчилари С.Горбунов, В.Горбунов, М.Қаюмов, А.Нажмиддинов, Р.Собинов, В.Малаховлар иштирок этишмоқда.

Камола БУРХОНОВА
СУРАТЛАРДА: авторалли мусобақасидан лавалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида босилади. 5252 нускада босилади. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа ахборот-коммуникация компанияси босмахоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.